

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 26/Д

Жиззах шаҳар

2022 йил "26" 09

“Мерос” Х/К (кейинги ўринларда “Хизмат кўрсатувчи”) низом асосида фаолият юритувчи номидан раҳбари И.Ю.Мамасалиев орқали ва Жиззах вилояти ИИБ (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) низом асосида иш олиб борувчи номидан **Ғ.Т.Кодиров** орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйдагилар ҳақида туздилар

1. Шартноманинг предмети

1.1 Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топширигига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади. буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар деб аталадиган қуйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

Т/Р	Хизматлар тури	Улчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Жиззах вилояти ИИБ Зомин соғломлаштириш оромгоҳига 5800 метрлик газ трубасини улаш ва гах тармоғига уланиш ва хизмат кўрсатиш				
	Жами				290 000 000

Хизматлар кўрсатиш муддати: 12 кун

1.3.1. Ушбу шартнома «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

1.3.2. Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 31 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи томонидан кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 30% туловни амалга оширади, қолган 70%ни хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 10 иш кун ичида ҳақ тўлаш.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Газначилик органларидан руйхатидан утган кундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр га қадар амал қилади.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 290 000 000 (икки юз тўқсон миллион) сўмни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизматларни ўз вақтида бартараф этишдан бош тортса, Сотувчи Харидорга сифатли бўлмаган хизмат баҳосининг 20 %и микдориди жарима тўлайди

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрозичига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдориди пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда ҳал этилади ва Газначилик органларидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга қиради.

6.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган ўн беш кун муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низони ҳал қилиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақли.

6.3. Шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қарор қилади.

7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8. Яқиний қондалар

8.1. Мазкур шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилади. Газначилик органларидан руйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Ижрозичи: Мефос ГТСФ
СТИР: 2023460806
ОҚОНХ: _____

Юридик манзили: Жиззах ш
Телефон/факс: _____

Ҳисоб-китоб ҳисобварағи: 20108000004082039001

Банки: 00401

МФО: 00401

Буюрмачи: Жиззах вилояти ИИБ

СТИР: 202382800

ОҚОНХ: _____

Юридик манзили: Жиззах ш. Сайилжон кўчаси 1-йи

Телефон/факс: 2023 9347

Ҳисоб-китоб ҳисобварағи: 00018, 202382800

Банк: Жиззах вилоят Марказий банк ХККМ

МФО: 00018



10. Тарафларнинг имзолари ва мухрлари



(Ф.И.О)



(Muxr, imzo)

Юрис. С. Д. Р. Амонов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Жиззах вилояти Ички ишлар
бошқармаси бошлиғи
генерал-майор:

Ф.Т.Қодиров



2022 йил «26» 09

Жиззах вилоят ИИБ Зомин соғломлаштириш оромгоҳига 5800 метрлик газ трубасини улаш ва газ тармоғига уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари қонунига асосан **Электрон порталидаги №150352-сонли лотга танлов иштирокчиларининг шикоятли келиб тушмаганлиги бўйича**

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 285

2022 йил

26 09

Жиззах ш.

Жиззах вилояти Ички Ишлар Бошқармаси бошлиғининг 2022 йил «23» январ кунги №23-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Ш.М.Уралов - Бошқарма Мва МТТБ бошлиғи танлов комиссиясининг раиси
КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

С.Исроилов - Бошқарма МТХ бошлиғи танлов комиссия раиси ўринбосари
А.Тошпулатов - Бошқарма Қурилиш таъмирлаш бўлинмаси бошлиғи
Н.Якубхонов - Бошқарма АТА ва АХБ бошлиғи
Ж.А.Усаров - Бошқарма НТИ бошлиғи
У.Хамиткулов - Бошқарма МТ ва МТТБ МТХ бош иқтисодчиси танлов комиссияси котиби

Кун тартиби:

1. 2022 йил 22 сентябр куни яқунланган танловга Жиззах вилоят ИИБ Зомин соғломлаштириш оромгоҳига газ босимли металл труба сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича ташкилотлар томонидан 2 кун давомида ҳеч қандай шикоятлар келиб тушмади.

Қарор қилади:

2. 2022 йил 22 сентябр куни яқунланган танлов **“МЕРОС” Х/К** томонидан Жиззах вилоят ИИБ Зомин соғломлаштириш оромгоҳига 5800 метрлик газ трубасини улаш ва газ тармоғига уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилсин.

3. 2022 йил 22 сентябр куни яқунланган танловга Жиззах вилоят ИИБ Зомин соғломлаштириш оромгоҳига 5800 метрлик газ трубасини улаш ва газ тармоғига уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ташкилотлар томонидан 2 кун давомида ҳеч қандай шикоятлар келиб тушмади деб топилсин.

Шикоятлар келиб тушмаганлиги бўйича комиссиясининг баённомаси барча иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тўғри деб топилди.

С.Исроилов

А.Тошпулатов

Н.Якубхонов

Ж. Усаров

У.Хамиткулов